



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 15 июль, № 139 (4802)

Чоршанба

«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси вице-президенти Датук Насаруддин ва Жанубий Африка Республикасининг «Сасол» компанияси бош менежери Леан Страус 14 июль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоиमतов билан учрашди.

НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИДА ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Мулоқот чоғида мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит ва имтиёзлар уларнинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда, жумладан, нефть-газ санаятида ҳамкорлик қилишга, сармоя жалб этишга бўлган қизиқишини тобора ошираётгани таъкидланди. Музокарада Узро ҳамкорлигининг бугунги аҳволи ва истиқболи, биргаликда қатор фойдали лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Петронас» ва «Сасол» ўртасида Ўзбекистон Республикасида синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

«Петронас» сармояси ва «Сасол» технологиялари асосида иш юритадиган янги қўшма корхона мамлакатимизда қазиб олинмаган табиий газдан йилга 1,3 миллион тонна юқори сифатли синтетик суюқ ёқилги — дизель ёнилғиси, керосин, нафта, суутилган нефть ва газ каби маҳсулотлар иш-

лаб чиқаради. Янги заводнинг маҳсулотлари ички бозорни тўлдириб билан бирга, экспортга ҳам чиқарилади. Мазкур ҳужжатнинг имзоланиши «Ўзбекнефтегаз», «Петронас» ва «Сасол» нафта геология-разведка ишларини ўтказиш ҳамда конларни ўзлаштириш, балки мамлакатимизда нефть ва газни қайта ишлаш санаятини ривожлантириш йўлида ҳам ҳамкорликни йўлга қўётганидан далolatдир. Синтетик суюқ ёқилги ишлаб чиқарилган завод қурилиши Ўзбекистоннинг нефть-газ санаятини, жумладан, нефть кимёси соҳасидаги салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

«Петронас» Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарайди, — деди Датук Насаруддин. — Имзоланган ҳужжат асосида йирик лойиҳага қўл урилмоқда. Мазкур лойиҳани амалга ошириш орқали шерик компаниялар катта муваффақиятга эришишига ишонамиз. «Сасол» делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзкимёсанот» давлат акциядорлик компаниясида ҳам музокара ўтказди. (ЎЗА).

Кеча пойтахтимизда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ҳамда БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси тавсияларини бажариш бўйича Миллий ҳаракат режасининг мамлакатимизда ижро этилишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ЮРТИМИЗДА УСТУВОРДИР

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ЮНИСЕФнинг республикамиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда парламентимиз ҳар икки палатаси аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатиде таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда болалар ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Миллий қонунчиликда

(Давоми 2-бетда).

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ САМАРАСИ

илғор технологиялар жорий қилиниши, қулай инвестициявий муҳит яратишда яққол намоён бўлмоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, инсон манфаатларига, уларнинг фаровон турмуш кечиришларига қаратилганлиги билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Инсонпарварликка йўрилган ана шу ислохотлар самараси ҳар бир оилда яққол сезилмоқда. Яъни, юртдошларимиз турмуш шароитлари йил сайин яхшиланаётган ҳаёт даражаси юксалиб бораёпти. Қишлоқ жойларда пишиқ гишдан кўркам уйлар қурилиб, бири-биридан чиройли уй-рўзгор буюмлари ҳамда мебеллар билан жиҳозланаётгани шундан далolat беради. Қувонарлиси, хорижикидан асло қилинмайдиган ётоқхона, ошхона, меҳмонхона мебеллари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида иқтисодиётимизнинг ёғочга ишлов бериш ва мебеласозлик тармоғи ривожига янги босқич бошланди. Бу республикамизда тадбиркорликка қаратилаётган алоҳида эътибор ва уларга берилаётган имтиёзлар, шунингдек, яратилган қулай инвестициявий муҳит натижасидир. Бунга республикамиздаги «Файз» холдинг компанияси фаолияти яққол мисол бўлади.

(Давоми 2-бетда).



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

БУҒДОЙЗОРДАН НОН ИСИ КЕЛАР

Чилла. Далаларда иш авжида. Биров гўзасига ишлов беради, биров қовун-тарвузи билан овора, яна кимдир бугдойини саранжомлаб олиш гамида. Богларда сархил мевалар етилмоқда, ишқомларда узум шира боғлаёпти. Пишиқчилик мавсуми-да! Богдоғда бўлганимизда, бир тадбиркорнинг таърифини келтиришди: исми-шарифи Абдумуталиб Мадаминов. Вилоятда номи чиққан фермер. Ун тўрт йилдан бери фермер хўжалигига бош-қош. Турли хил совринларнинг соҳиб. Саховатли. Қизилтепа даштидан ер очиб, тақир чўлини гуллаптапти.

Хўжаликда 30 нафар одам ишлайди. Мавсумда уларнинг сони юздан ошади. Доимий ишчилар ойига 60-80 миң сўндан иш ҳақи, йилга 1-2 тонна бепул бугдой олишади. Шунингдек, бугдойдан бўшаган майдондан тақрибий экин экишга ер ажратиб берилди. Буларнинг ҳаммасини қўшиб ҳисобласангиз, ишчиларнинг ойлик даромади 200-250 миң сўмга боради.

— Агар ҳаётга чуқур назар ташласангиз, инсон деганининг ҳаммаси ерга боқимандалигини кўрасиз, — сўзини давом эттиради Абдумуталиб. — Майли, у олим ёки ишчи, космонавт бўлсин, ба-

рибир, барчани ер боқди. Президентимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланишида чуқур маъно, яъни «ер бизни боқатган экан, уни авайлаб-асрашимиз, теварак-атрофини туза-

тишимиз, бу ердагиларга зарур шарт-шароит яратиб беришимиз лозим», деган мақсадни англаймиз. Ҳаммамиз бир тан-бир жон бўлиб, ана шу мақсад атрофида бирлашадиган пайт келди. Президентимиз кўп бора айтганларидек, аввало, қишлоққа санаяти олиб кириш керак. Етиштирилган маҳсулотни жойида қайта ишлашни йўлга қўйиш лозим. Хизмат кўрсатиш шароитларини кўлайитириш, тадбиркорликни ривожлантириш зарур.

Бугун, кўрапсизми, фермернинг зиммасидаги масъулият катта. Шунга враса унга ишонч билдиришти. Масалан, биз 49 йил мудатга давлат билан тузган шартномамизда «2009 йилда 50 центнердан галла, 30 центнердан пахта бераман», деган бандлар бор. Ваъда, бу — лафз!

(Давоми 2-бетда).

Бир маҳал яп-янги «Матиз» ини йўрғалатиб Абдумуталибнинг ўзи келиб қолди. Олтимиши қоралаган бўлса-да, ёш кўринади. Гаплари бийрон, мағизли. Бугунги фермерлик ҳаракати, деҳқончиликдаги муаммолар ҳусусида анчагача гурунглашиб ўтирдик. — Бизни мустақиллик ёшартирди, — деди Абдумуталиб. — Бошқача бўлиши

ҳам мумкин эмас-да. Бир пайтлар «Деҳқоннинг қосаси қачон оқарар экан» деб орзу қилардик. Бугун ўша орзумиз ушалапти. Меҳнат қилиб яшайман, деган одам борки, шунга эришяпти. Зотан, эркин жамиятдагина меҳнат қилган эъзоз топади. Фермер бўлганимгача собиқ «Большевик» колхозида 30 йилдан ортик ишладим. Аммо

мехнатимиз қадр топмади... Абдумуталиб Мадаминов 1995 йили «Қизилтепа» даштидан 17 гектар ер очиб, фермер хўжалиги ташкил этди. Орадан ўн йил ўтгач, 2005 йилда экин майдонини 70 гектарга кенгайттирди. Бугун эса, хўжалик тасарруфида 122 гектар ер бўлиб, шунинг 102 гектарига бугдой, 20 гектарига пахта экилган.

Замондош билан юзма-юз

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

«АНДИЖОН механизация-лашган кўча жамланма» МЧЖ тасарруфидаги темир-бетон буюмлар корхонаси ҳар ойда 200 млн. сўмлик 20 хилдан зиёд бетон ва темир-бетон буюмлари ишлаб чиқармоқда.

Юксалиш одимлари
Бу ерда тайёрланаётган қурилиш буюмлари — том ёпиш плиталари, бетон блоklar аллақачон ўз харидорларини топиб улгурган. Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб иш юритилаётгани, маъжуд имконият ва ишлаб чиқариш қувватларидан унумли фойдаланилаётганлиги маъжур корхона самарадорлигини кундан-кунга оширмоқда. Чунинчи, ўтган йили бу ерда жами 1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу курсаткич жорий йилнинг олти ойида 1 млрд. 100 миллион сўмни ташкил этди.

И. ИМОННАЗАРОВ.

ЗАРАФШОН шаҳрида замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Замонавий спорт мажмуаси
Мазкур иншоотда спортнинг эркин ва юнон рум кураши, гимнастика, оғир атлетика, бокс каби кўплаб турлари билан мунтазам шугулланиш, мусобақалар ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Мажмуа Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан спорт жиҳозлари билан таъминланди. Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маҳсулот ҳажми ортади
«ФАРФОНА-БҒ-МОЙ» акциядорлик жамияти Германиянинг «Села Машинен» фирмасидан йилга 15 миң тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технология тизим сотиб олди.

Умумий қиймати 2 млн. 720 миң еврони ташкил этувчи ушбу модела атир ва хўжалик совуни ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Айни пайтда корхонада янги тизимни ўрнатиб ишлари жадал олиб боришмоқда. У мустақиллик байрами арафасида ишга туширилди.

Ф. КАЛОНОВ.

БУХОРО вилоятининг Жондор туманидаги Охшиқ қишлоғида «Арабон Пахтабод» фермер хўжалиги раҳбари Саломжон Исमतов гишт ишлаб чиқариш корхонаси қурди.

Фермернинг гишт заводи
Тадбиркор «Агробанк»нинг туман бўлими томонидан ажратилган 70 миллион сўм кредитга янги технология олиб келди, ўнлаб ишларни ўқитиб, ишга қабул қилди. Айни пайтда корхонада кунига ўн миң донагача гишт ишлаб чиқаришмоқда. У тула қувват билан ишлай бошлагач, маҳсулот ҳажми ортиб, ишчилар сони йигирма нафарга етди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН вилоятининг Косоний туманида жойлашган «Ал-Азиз» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган эркаклар ва болалар пойабзали қулай, арзон ва сифатлиги билан ажралиб туради.

Касаначилар сафи кенгаймоқда

Бунда корхонада меҳнат қилаётган касаначиларнинг ҳам муносиб улуши бор. Қисқа давр оралиғида корхонада ишлаётган касаначилар сони 18 нафарга ортди. Уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси эса жорий йил яримда 14 миллион 800 миң сўмни, тежалган маблаг 590,0 миң сўмни ташкил этди. Йил охирига қадар касаначилар ҳисобига бир қатор янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Д. МАҚСУДОВА.



БИР РАҚАМ ШАРХИ

Кишлоқларда «зангори олов» таъминоти яхшиланмоқда

2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида мамлакатимизда «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» Давлат дастури доирасида «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси жамоаси томонидан **90** километрдан зиёд турли босим ва диаметрдаги газ тармоқлари таъмирланди. Ана шу кенг қўламли ишларнинг амалга оширилиши натижасида республикамизнинг барча хуудуларда, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида аҳоли хонадонларини «зангори олов» билан таъминлаш даражаси тубдан яхшиланди. (Давоми 2-бетда).

Тадбир

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш масаласи бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Мустақиллик йилларида табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни тартибга солиш, борлиқ мусаффолигини таъминлашга қаратилган бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганлиги бунинг исботидир.

ОНА ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ

доимий эътиборда

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ўзининг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги ҳуқуқий мажмуалар ижросини таъминлашга муносиб улуш қўшиб келмоқда. Экоҳаракат Марказий Кенгашида бўлиб ўтган навбатдаги тадбир шу масалага бағишланди. Яъни, унда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг ижроси бўйича ижтимоий эшитув ташкил этилди. Илк бор ўтказилган мазкур анжуманда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Иқтисодиёт вазирликлари, Ўзбекистон Фанлар академияси, «Ўзбекэнерго», «Ўзбекнефтегаз», «Ўзкимёсанот» компаниялари ва бошқа идора ҳамда ташкилотларнинг маъсул ходимлари, шунингдек, соҳа мутахассислари иштирок этди. Таъкидландики, дастурда белгилаб берилган (Давоми 2-бетда).

"Ахборот асри" деб ном олган бугунги аср ҳар бир соҳада, айниқса, алоқа ва телекоммуникацияда янгиликлар, мисли кўрилмаган ўзгаришлар ясамоқда. Бу, ўз навбатида, замон билан ҳамнафасликни, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривожига бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз бунини аниқ ҳис қилишимиз керак.

Ахборот технологиялари:

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Юртимизнинг ушбу дастуриллаш сўзларидан келиб чиқиб, юртимизда алоқа соҳаси учун ҳуқуқий база, қулай сарможий муҳит, моддий-техник шароитлар яратилди. Солиқ ва божхона имтиёзлари туфайли соҳада кенг миқёсда реконструкция ва модернизация ишлари бажарилди. Шаҳар ва қишлоқларда рақамли телефон станциялари ўрнатилиб, маҳаллий ва халқаро аҳамиятдаги оптик-тоналари кабель линиялари қурилди. Натيجида замонавий алоқа ва телекоммуникация тизими вужудга келди. Бу йўналишда хизматлар бозори шаклланиб, халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Амалга оширилган аша шундай кенг қамровли ишлар парламент қўйи палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида атрафлича сарҳисоб қилинди.

лаштириб боришга катта эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Алоқа тўғрисида", "Радиочастоталар спектри тўғрисида", "Телекоммуникациялар тўғрисида", "Почта алоқаси тўғрисида"ги ва бошқа қонунлари алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ривожига ҳуқуқий замин яратиб берди. Мазкур ҳужжатларда соҳада муносабатларни тартибга солувчи меъёрларнинг мавжудлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шариоитида ушбу тармоқни янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг қонуний кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, ахборот ва коммуникация технологиялари соҳаси ҳаётимизнинг барча жабхалари, айниқса, иқтисодий билан ҳамбарчас боғлиқ ва ҳамнафасдир.

Айтиш жоизки, инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларига салбий таъсирини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, жумладан, Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурида ўз ифодасини топган.

Умуман, мазкур дастуридан кундалик ҳаётимизга изчиллик билан татбиқ этилгани катта самара бераётди. Чунончи, 2009 йил биринчи чорак якуни билан АКТ соҳасида 377,6 млрд. сўмлик хизматлар

Жараён

сусан, Президентимизнинг "Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Дастур параметрларида алоқа магистраль линияларини модернизация қилиш, халқаро алоқа линияларини қуриш, рақамли радиоредакцияларни кенгайтириш ва бошқа муҳим лойиҳалар ўз аксини топган. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил 17 март куни "Инқирозга қарши дастурга киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан, телекоммуникация тармоқлари ва ишончлиги модернизациялаш ҳамда ривожлантириш лойиҳалари доирасида импорт қилинадиган ускуналар, дастурий аппарат воситалари ва матери

налда рўйхатга олинган субъектларга солиқ, божхона ва бошқа тўловлар юзасидан ҳамда ҳўжалик фаолияти юретиш учун ҳам имтиёз ва преференциялар белгиланган. Миллий иқтисодиётимиз тарихида бундай қулай инвестицион муҳит яратилиши мамлакатимизда тадбиркорлик ва бизнес ҳаракатини янада фаоллаштиради. Бу, ўз навбатида, АКТ соҳасида фаолият юритаётган корхоналар томонидан импорт ўрнини босадиган замонавий ва рақобатбардор технология ускуналар, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, бошқа АКТ маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун қулай имкониятлар.

Эътироф этиш керак, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар жаҳон ахборот маконига киришимиз учун ҳуқуқий асосларни белгилаб бер

ди. Ушбу ҳуқуқий мажмуалардан келиб чиқиб, турмушимизнинг барча жабхаларига АКТ хизмати кенг жорий қилиниши эвазига ахборотнинг тезкор айланиши, масофа қисқариши, вақт ва бошқа ресурслар тежаллишига эришилади. Пировадиде амалиётда ниятда катта иқтисодий самарадорликка эришилади. Кўмитамиз назорат-таҳлил йўналишида мазкур қонунларнинг айрим вилоят, вазирилик ва идораларда бажарилишини ўрганганда, ўрғанилган объектларнинг қарий барчасида ахборот тизимини, ахборот ресурсларини химоялаш масаласида муаммолар мавжудлиги кўзга ташланди. Бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон ахборот маконининг бир қисми экан, ахборот тизимлари химосини таъминлашимиз, айниқса, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шариоитида ҳар қачонгидан ҳам ўта долзарб масала, дейишга барча асослар бор.

Шубҳа йўқ, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда олдиндан яратилган барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Хусусан, галла ва ёқилги-энергетика, алоқа ва транспорт соҳаларида эришилган мушаккиллик, яратилган мукамил миллий қонунчилик базаси, иқтисодий, молиявий, таъқи алоқалар тизими ҳозирга келиб мамлакатимизнинг глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирини химояловчи омил бўлаётганини чуқур англамоқдамиз. Мамлакатимиз инқироз шариоитида ҳар томонлама барқарор, аниқ мақсад ва вазибаларни ўз олдида қўймоқда экан, демак, глобал молиявий-иқтисодий инқироздан янада қучли бўлиб чиқишимизга ишончимиз комил.

Қолаверса, миллий иқтисодиётимиз ва жамиятимизнинг хавфсизлиги АКТ соҳасининг барқарор ва узлуқсиз ишлашига бевоқифа боғлиқдир. Айниқса, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шариоитида АКТнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам ўта муҳимдир. Шу боисдан замонавий АКТ тизимини шакллантириш масаласи ахборотлашган қучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги мамлакат сиёсатининг устувор вазибаларидан бири бўлиб қолаверди.

Фохриддин СОЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

пардалик мато ишлаб чиқарилиди. Бундай қўшимча даромад манбаларининг қўпаяётгани, ўз навбатида, ишчиларни ижтимоий муҳофазаси қилиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Компанияда айни пайтда ишлаб чиқариши техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш ҳамда Маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Тизимга энг замонавий технологияларнинг жалб этилиши ички ва ташқи бозорда харидорлар бўлган меъле маҳсулотлари тайёрлаш, яқна тартибга солиш, муаммоларни қўнғилдагидек бажариш имконини яратяётди. Энг муҳими, дастур шарофати туфайли бугунги кунда импорт қилинадиган хом ашёлар тури бир неча баробарга камайтиди. Уларни хорижий ҳамкорлар кўмағида босқичма-босқич ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилапти. Натижанда валюта тежаллиб, қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Бугунги кунда "Файз" ҳолдинг компанияси республикамиздаги меъле ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга муносиб улуш қўшмоқда. Чунки бу ерда меъеллар хом ашёси ва қолипловчи материалларнинг моддий-техника базаси яратилган.

Буларнинг бари юртимиз аҳолисининг меъле маҳсулотларига бўлган эътиҳарини тўлароқ қондиршига ва маҳсулотларнинг сифати юқори, нархи эса арзон бўлишига хизмат қилмоқда. Бундан, айниқса, миқозлар хурсанд.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ЮРТИМИЗДА УСТУВОРДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

уларнинг манфаатларини таъминлашга йўналтирилган меъёрлар изчил тақомиллаштириб борилди. Айни пайтда қатор халқаро ўзгаришлар ратификация этилгани, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилингани бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтирди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни мамлакатимиз 1992 йилда ратификация қилган бўлиб, 1999 йилдан бошлаб мазкур ҳужжатда белгиланган меъёрларнинг юртимизда ижро этилиши юзасидан БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитасига Миллий маъруза тақдим этиб келинмоқда. Шу вақтга кўмига томонидан Ўзбекистоннинг иккита шундай маърузаси қўриб чиқилган ҳамда якуний хулосалар берилган. Уларда болаларга бағишланган тадбирлар сифатини янада яхшилаш юзасидан аҳамиятга молик тавсиялар илгари сурилган. Айни шу якуний хулосаларда билдирилган тавсияларни амалга ошириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан иккита Миллий ҳаракат режаси ишлаб чиқилган.

Давра суҳбатига 2006 йилда тасдиқланган Миллий

ҳаракат режаси қандай бажарилаётгани масаласи ҳам муҳокама этилди. Тадбирда сўз олганлар Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлаш тизимли амалга оширилаётганини қайд этдилар. Чунончи, мамлакатимиз бу борада тегишли халқаро ҳужжатларга қўшилмоқда, уларнинг бекаму кўст рўёбга чиқарилишида давлат ва нодавлат ташкилотларининг иштироки таъминланаётди. Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофазаси қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳамда жорий йил 1 июлдаги қарори билан тасдиқланган 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мушаккамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воғая етказиш борасидаги ишларни янада қучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури ҳам бу борадаги тадбирларнинг мантиқийлиги ва изчиллигини таъминламоқда.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қ. ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОНА ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ доимий эътиборда

(Давоми. Боши 1-бетда).

вазибалар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида тадбирларнинг учтаси рўёбга чиқарилиди, қолган 69 тасининг тўлақонли бажарилиши бўйича босқичма-босқич ишлар олиб боришмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар дастурининг шарофати туфайли мамлакатимизда экологик ҳолат тобора яхшиланиб бораётганини тасдиқловчи аниқ мисол ва таҳлилий материалларни иштирокчилар ҳўкмига ҳавола этдилар. Бу борада-

ги кўрсаткичларни янада яхшилашга хизмат қилувчи тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

Эътиборли томони шундаки, дастурининг ижросини тўлиқ бажариш мақсадида 164 миллиард 207 миллион сўм, 351,28 миллион АҚШ доллари ва 450-миң евро миқдоридидаги маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Ижтимоий эшитувда бир нечта корхона ва ташкилотларнинг ҳисоботлари тингланлиб, пировадиде бундай тадбирларни мунтазам иштирокчилар ҳўкмига ўтказишга келишиб олинди.

Р. САИДОВ.

Термизнинг гиламдўз аёллари

Сурхондарё вилоятида 705 та маҳалла мавжуд бўлиб, барчасида касаначилик асосида янги иш ўринлари яратиш орқали қишлоқ аёлларини фойдали меҳнатга жалб этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Термиз туманидаги Эштемир маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Афғонистоннинг "Писороний Қозисода" хусусий фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган гилам тўқиш цехида ўттиздан ортик хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хизмат

Иқтисодиётнинг барча тармоқлари маҳсулотларининг нархини аниқлаш, белгилаш ва уларни сотишда жойларда фаолият юритаётган биржаларнинг аҳамияти катта. Айниқса, рўзгорда ҳар кун ишлатиладиган ўсимлик ёғи, ун каби озик-овқат маҳсулотлари нархининг сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик борасида уларнинг хизмати бекиёс.

БИРЖА - ҚУЛАЙ САВДО МАРКАЗИ

Бугунги кунда бензин, дизель ёнилғиси, суолтирилган газ, кўмир, маъданли ўғитлар, цемент, пахта толаси сингари юқори ликвидли маҳсулотлар ҳам биржалар орқали сотилмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Товар-хонм ашё биржаси Қорақалпоғистон филиалида 62 нафар брокер харидорларга керакли маҳсулотларни сотиб олишда яқиндан ёрдам бераётди.

—Жорий йилнинг беш ойи мобайнида биржамизда товар айланиши 50,7 миллиард сўмни ташкил этди, — дейди филиал директори Урозбой Шоназаров. — Шунинг 44,4 миллиард сўмлик юқори ликвидли, 6,1 миллиард сўмлик эса кўрғазма-ярмарка маҳсулотларидир. Шунингдек, тузилган туртта шартномага биноан, Россия ва Хитой давлатларига 137,2 миллион сўмлик маҳсулот экспорт қилинди.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ САМАРАСИ илғор технологиялар жорий қилиниши, қулай инвестициявий муҳит яратишда яққол намойён бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Егочни қайта ишлаш ва меъле ишлаб чиқаришга иқтисодлашган мазкур компания нафақат юртимизда, балки қўшни ва хорижий давлатларда ҳам яқши билишадди. Чунки бу ерда ишлаб чиқарилаётган 200 хилдаги маҳсулотлар, хусусан, ётоқхона, ошхона, меҳмонхона, офис меъеллари ва юшоқ меъеллар ташқи бозорда ҳам тобора харидорлар бўлиб бораётди.

Айтиш жоизки, бунга сифатли хом ашё, замонавий технология ва, албатта, маҳалли мутахассислар меҳнати билан эришилади. Шу маънода, компания юқори ишлаб чиқариш қуввати ва имкониятига эга: мавжуд цехлар Германияда ишлаб чиқарилган энг замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган. Автоматлаштирилган бу ускуналар компаниянинг 2 минг нафар ишчисини томонидан бошқарилади. Хом ашё эса сероб. Чунки бирламчи ва қўшимча ашёларнинг аксарияти шу ернинг ўзида тайёрланади. Уларнинг бир қисми тизимдаги корхоналарга етказиб берилади. Бу ишлаб чиқариш суръати йил сайин ошиб боришини таъминламоқда. Айтайлик, жорий йилнинг биринчи ярмида 8272,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, ўтган йилнинг шу дав-

ридагига нисбатан 148,1 фоиз ўсишга эришилди. Шу жумладан, 5662,4 миллион

манья, БАА, Словения, Италия, Латвия ва Жанубий Корей сингари давлатлар сар-

ассасалари учун махсус меъеллар, ортопедик ва поролон тўшаклар, синтетик шопон

сўмлик меъле ишлаб чиқарилиди.

Бугунги кунда компания таркибиде 26 та корхона мавжуд бўлиб, шундан 10 таси хориж инвестицияси иштирокида ташкил этилгани диққатга сазовордир. Яъни, АҚШ, Малайзия, Гер-

моядорларининг инвестицияси жалб этилиб, импорт ўрнини босувчи қўллаб маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Уз навбатида, экспорт салоҳияти ошди.

Хозирги кунда компаниянинг корхона ва цехларида халқ таълими ва тиббиёт му-

ва поролон, юшоқ меъеллар ва уй пардалари учун мато ҳамда пластик тоқчалар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилган. Биргина шу йилнинг олти ойи мобайнида 246,2 миң квадрат метр ламинатланган плита, 50 тонна поролон, 1224,7 миң квадрат метр

— Бугун кетмон дастасига суяниб яшаб бўлмайди. Қамровни кенгроқ олиш зарур. Керакли техникаси, сара уруғсиз, катта майдонларсиз деҳқончилик самара берайди. Шу маънода, фермер ҳўжа-

битта автобус совға қилдик. Камхаржларнинг тўйларини ўтказишга ёрдам бераймиз. Халқ доғу қилиб турса бўлди.

— Техникадан камчилигингиз йўқдир?

— Шуқр, йўқ. Қўша-қўша хайдов ва транспорт тракторлари, иккита комбайн, қоқиқ трактори — бари бор. Энди битта экскаватор олсак, бас.

— Фарзандларингиз нима иш қилади? — Икки ўғлим — қўшқанотим. Каттаси Шухратжон техника бўйича ёрдамчим, кичиги Зафар деҳқончилик бўйича муовин. Болаларимдан хурсандман. Абдумуталлиб сузлар экан, ёдимизга бир ҳикमत тушди: бугдойзордан нон иси келади, деган экан машоийхлар. Дарҳақиқат, хирмон-хирмон дон тушадиган тегирмон тарафдан хушбўй нон хиди уфургандек туюлди. Йўлга тушдик. Абдумуталлиб тагин кўнглида тугилиб ётган гаплардан сўзлади:

— Шуқр, йўқ. Қўша-қўша хайдов ва транспорт тракторлари, иккита комбайн, қоқиқ трактори — бари бор. Энди битта экскаватор олсак, бас.

— Шуқр, йўқ. Қўша-қўша хайдов ва транспорт тракторлари, иккита комбайн, қоқиқ трактори — бари бор. Энди битта экскаватор олсак, бас.

— Бугун кетмон дастасига суяниб яшаб бўлмайди. Қамровни кенгроқ олиш зарур. Керакли техникаси, сара уруғсиз, катта майдонларсиз деҳқончилик самара берайди. Шу маънода, фермер ҳўжа-

хас-хашакдан тозалаб, алоҳида жойга қоплаб қўйдингиз. Бир кун қарасангиз, уша сараланган бугдойни кимдир хирмондаги тозаланмаган донга аралаштириб юборибди. Меҳнатингизга

ачинмайсиэми? Албатта, ачинасиэз. Уруғлик ҳам ўша қопдаги тозалаб қўйилган донга ўхшайди. У нафақат хас-хашакдан, балки таркибидидаги турли касалликлар, энг муҳими, бешушликдан тозаланган бўлади. Уни ҳам даладардан олиб келган, алоҳида жойда сақламасангиз, уруғчиликдан фойда йўқ. Бу борада мен шундай бир тақлифини айттардим: масалан, менинг ҳўжалигимда етиштирилган дон ёки пахта алоҳида омборда сақлансин. Ўстига "Фалон ҳўжалик етиштирган уруғ" деб ёзиб қўйилсин. Агар уруғи туфайли режадаги ҳосил олинмаса, зарарни уруғчилик ҳўжалиги тўласин. Аксинча бўлса, рағбатлантирилсин.


Зарқокилли бугдойзор ёқалаб қайтиб келарканмиз, олисда бугдой ўраётган комбайн кўринди.

— "Класс-доминатор" русумли комбайн олганмиз. Германияники. Уни Абдуҷаббор Ализонов бошқараяпти, — деди фермер. — Мана, ўрим якунларини бормоқда. Худо хоҳласа, бу йил ҳам насибамиз кам бўлмайди.

Ризқ, насиба... Беихтиёр ҳазрат Навоийнинг мана шу дони сўзларини эсладик: "Деҳқонки, дон сочар... Ҳар ёрмоқ била ризқ йўлин очар... Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут етказар, ҳам барокат".

Абдумуталлиб Мадаминов раҳбарлик қилаётган фермер ҳўжалиги ишчилари ҳам эл-юртга қут-баракат улашаётган фидойиларандир.


Сабдулла СЌИЕВ, Ёқубжон ХўҲАМБЕРДИЕВ, Фергона



ЖАҲОН 24 соат ичида

Жабранганлар йўқ

Финляндиянинг Хаман шаҳрида Санкт-Петербург — Хельсинки йўналиши бўйича қатновчи автобус ёниб кетди, дея хабар тарқатди "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги.



Фожиа юз берган пайтда автобусда 19 нафар одам бўлган ва улар транспорт воситасини тарқ этишга улгурисан. Шу боис ҳам ҳеч ким жабранмаган. Бахтсиз ҳодисага автобус ҳаракатида юзага келган носозлик сабаб бўлгани айтилмоқда.

Бир ҳафтадирки, ёмғир...

Хитойнинг жануби-ғарбий қисмида бир ҳафтадан буюн ёғадиган ёмғир аҳолининг оддий ҳаёт тарзини издан чиқарди.

Бу ҳақда "Синьхуа" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Табиий офат Синчуэн музофотида катта талафотларга сабаб бўлмоқда. Бу ерда 166 та киши...

Инқироз роботларни «синдирди»


"The New York Times" нашрининг ёзишича, жорий йилнинг биринчи чорагида Японияда роботлар ишлаб чиқариши ва сотиши ҳажми 59 фоизга камайиб кетган.

Бунга мамлакат иқтисодиётида яқин пайтга келиб тарихда кузатилмаган даражада пасайиш қайд этилаётгани сабаб бўлган. Натижада шу соҳага ихтисослашган бир қатор йирик корхоналарнинг даромади сезиларли даражада тушиб кетган. Ана шундай компаниялардан бири — "Yaskawa" президенти Кодзи Тосиманинг айтишича, унинг бошқарувидаги жамоа мазкур даврда 72 миллион АҚШ доллари миқдорига зарар кўрган. Таъкидлаб ўтиш жоиз, роботлар ишлаб чиқариш бора-бора Япония дунёда биринчи ўринда туради. Биргина 2005 йилда ушбу мамлакатда 370 минг дона робот тайёрланган. Бу эса дунё бўйича ана шу турдаги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 40 фоизини ташкил этади.



Манал Шах АЛКАДРИ:

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН МАМЛАКАТ



Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Хиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фахруллода ва мухтор элчиси Манал Шах АЛКАДРИ билан суҳбатлашди.

зири Манмохан Сингх Ўзбекистонга таширф буюрди. Бу таширфлар чоғида эришилган келишувлар ўзаро муносабатларимизни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилаётир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасида сийёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг фаол иш юритиши учун яратилган қулай сармоявий муҳит ҳамда кенг имтиёз ва имкониятлар хиндистонлик ишбилармонларнинг қизиқишини тобора оширмоқда. Мамлакатингизда ҳинд сармоядорлари иштирокида кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни химоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қўшиқча оид битимлар имзоланган, ўзаро савдода энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон билан Хиндистоннинг ўзаро ҳамкорлиги минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга, икки мамлакат тараққиётини таъминлашга хизмат қилаётир.

— "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали жаҳон мусиқачиларини бир жойга тўғлаш бораборида турли халқлар маданий меросини янада бойитишга хизмат қилаётир. У шунингдек, санъат арборлирига бир-бирининг ижоди билан ақиндан танишиш ва мулоқотда бўлиш имконини бермоқда.

Жаҳонга доғруғи кетган мазкур халқаро фестивалда хиндистонлик созанда ва хонандаларнинг иштироки анъанага айланган.

— Жорий йил мамлакатимизда Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланади. Пойтахтимизда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида нима дея olasиз?

— Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини катта тантана билан нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Шаҳарда улкан бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Сўнгги йилларда Тошкентнинг қиёфаси таниб бўлмади даражада ўзгараётган. Эски бинолар ўрнига янгилири қад ростлади. Замонавий, муҳташам осмонулар иморатлар ва мажмуалар шаҳар кўркига кўрх қўшиқмоқда. Президент Исрол Каримовнинг пойтахтингизни жаҳоннинг юксак тараққий этган, энг гузал шаҳарларидан бирига айлантириш борасидаги эзгу ишларига ҳавас қилса, арзийди.

ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.

Намангандаги уч олий ўқув юрти талабаларидан ташкил топган "Бунёдкор — 2009" меҳнат отрядлари вилоятдаги қурилиш иншоотларига йўл олди.

ЁЗГИ ТАЪТИЛ — ЗАРБДОР ҚУРИЛИШЛАРДА

Кўнглили равишда гуруҳларга уюшган 111 нафар ёшлар таътил қўнларини ўз мутахассисликлари билан боғлиқ бўлган қурилиш, обodonлаштириш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўтказишди.

Жумладан, қурилиш юмушларига жалб этилган талабаларнинг катта гуруҳи вилоят марказидаги иккита умумтаълим мактаби, шифохона, касб-хунар коллежи биноларини тиклаётган бунёдкорларга кўмак беришга қиришди.

Уларнинг бир қисми Янгиқўрғон, Лоп, Учқўрғон туманларида барпо этилаётган ўрта махсул ўқув юрти қурилишида иштирок этишди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Чирой очаётган Чимён

Жорий йилда туманда 16 та савдо дўкони — супермаркетлар қуриш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда уларнинг 8 таси ўз фаолиятини бошлади.

Тумanning Чимён қишлоғи худудига бунёд этилган трикотаж ишлаб чиқариш корхонаси эса коллежаларни тугаллаган 100 нафардан зиёд ёшларни ўз бағрига олди. Бу

ерда ишлаб чиқарилаётган эркаклар ва болалар кийимлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам анча харидорғир.

З. АБДУЛЛАЕВА.

Кўргонтепа туманидаги қишлоқлар қиёфаси тубдан яхшиланмоқда. Қишлоқ тараққийоти ва фаровонлиги йилда тадбиркор фермерларнинг сый-ҳаракатлари билан бунёд этилаётган турли корхоналар, ижтимоий-مائийш мажмуалар, гузарлар қишлоқлар чиройига чирой қўшмоқда.

Электр станциялари қуриш лойиҳаси

Европанинг ўн иккита йирик компанияси қўш энергияси ёрдамида ишлайдиган электр станциялари қуриш лойиҳаси устида иш бошлади, дейилади "АФР" ахборотида.

Бунинг учун 400 миллион евро миқдорига маблағ сарфлаш режалаштирилган. Лойиҳага яқини етказилган, қитъадаги электр манбаига бўлган умумий талабнинг 15 фоизини таъминлаш имкони юзага келаркан.

Ҳеч ким зиммасига олмаган

"Associated Press" ахборот агентлигининг маълум қилишича, Ироқ жанубида АҚШ элчиси кетаётган кортеж яқинида портлаш содир этилди.



Ди-Кар музофотида амалга оширилган мазкур қабиҳликдан ҳеч кимга шикаст етмагани айтилмоқда. АҚШ давлат департаменти эса воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилишини билдирди. Ушбу ҳодиса шу кунги Ироқда кузатилган ягона хунрезлик эмас. Мамлакат пойтахти Бағдод шаҳридаги черковлардан бирининг олдида миёна ўрнатилган машинанинг портлатиб юборилиши оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмган, 21 киши жароҳатланган. Ҳозирча мазкур кўпурчиликлар ким томонидан уюштирилгани маълум эмас.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

LOK KOLOR SINTEZ Kўшма корхонаси ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛОК-БЎЁК МАТЕРИАЛЛАРИ ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВ ҚОПЛАМАЛАР (деворлар ва шиплар, нам бинолар учун бўёклар) ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР (пропитка, грунтовка, бўёк) Универсал АЛКИДЛИ ЭМАЛЬ Пол учун ЭМАЛЬ Томлар ва юк вагонлари учун ЭМАЛЬ Сув ҳавзалари учун БЎЁКЛАР Ёғоч ва металлда ички ишлар учун АЛКИДЛИ БЎЁК Саноат ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналари учун СУВГА ВА КИМЁВИЙ ТАЪСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР Йўл бизилари учун БЎЁК Ёғоч ва бўйланган юзалар учун (рангли ва рангсиз) ЛОКЛАР ХИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР (турли юзалар учун грунтовка, шпатлёвка) БИТУМЛИ МАТЕРИАЛЛАР (лок, мастика) Маҳсулотларимизни корхонамизнинг қуйидаги манзилда жойлашган ФИРМА ДЎКОНИДАН завод нарҳида сотиб олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 13/22. Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 13/22. Телефонлар: (998 71) 291-47-41, 291-80-94. Факс: (998 71) 291-74-63. E-mail: lokcolor_uz@mail.ru www.lokkolor.uz ISO 9001; ISO 14001; ISO 18001

ЮРТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ВА АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА! «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ ИНТЕРНЕТ» Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси имтиёзли тарифлар асосида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув ТЕЛЕФОН КАРТОЧКАЛАРИНИ тақдим этади. Ушбу телефон карточкалари орқали дунёнинг исталган нуқтасига қўнғироқ қилишингиз ва ўз яқинларингиз билан мулоқотда бўлишингиз мумкин. ШУ БИЛАН БИРГА, Ўзбекистон Республикасининг барча худудларида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув телефон карточкаларини тарқатиш учун дилерлик фаолияти билан шуғулланувчи, ҳуқуқий ва жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектларини ҳамкорлик қилишга таклиф этади. МАНЗИЛ ВА МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй, (8-371) 214-63-53, e-mail: uzi.marker@infotel.uz

«ELEKTRON XISOVLAGICH» МЧЖ ҚҚ ЗАВОД НАРХЛАРИДА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАХСУЛОТЛАРНИ ишлаб чиқаради, етказиб беради ва сотади: «DSS28», «DSS28U» русумли бир фазали электрон электр қуввати ҳисоблагичлари; «DTS541/DSS531», «DTS543/DSS533», «DTS546/DSS536» русумли уч фазали электрон электр қуввати ҳисоблагичлари; 200/5, 400/5, 600/5, 800/5, 1000/5 номиналли ток трансформаторлари. Барча сотилган МАХСУЛОТЛАРГА МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ ВА КАФОЛАТ МАЖБУРИЯТЛИ БЕРИЛАДИ. АРЗОН ҚАЛБАКИ МАХСУЛОТЛАРДАН САҚЛАНИҲИ КОРХОНА, ШУНИНГДЕК, ЎЗ ХИСОБЛАГИЧЛАРИНИ ИШЛАТГАН ХОЛДАТА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ХИСОБ-КИТОБИНИ ЮРИТУВЧИ ВА ИСТЕЪМОЛНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ТИЗИМ (АСКУЭ) ҲАМДА ШУ ТИЗИМНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ. НАРХЛАР БОЗОРДАГИДАН АРЗОН! АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ХИСОБ-КИТОБИНИ ЮРИТУВЧИ ВА ИСТЕЪМОЛНИ НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ТИЗИМ (АСКУЭ), БУ — ТЕЗҚОРЛИК, АНИҚЛИК ВА САМАРАДОРЛИКНИ КАФОЛАТЛАЙДИ. Автоматлаштирилган электр қуввати ҳисоб-китобини юритувчи ва истеъмолни назорат қилувчи тизим (АСКУЭ) — бу барча замонавий корхоналарда нафақат электр қуввати истеъмоли ҳақида тўлиқ маълумот олиш, балки электр қуввати харжати самарадорлигини оширишни таъминловчи воситадир. МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН, ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН. «ELEKTRON XISOVLAGICH» МЧЖ ҚҚ ўз маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларида сотиш учун манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ўзаро фойдали ҳамкорликка таклиф қилади (маҳсулотлар сотиш шохобчаларини очили мақсадда). Манзил: Тошкент ш., М. Ашрафий к., 1-муночи, 9-Аб уй. Тел./факс: (+998 71) 291-53-36, 299-86-95, 291-79-01.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 233-10-60 236-09-25 232-10-63 242-хона. Фахр Гулом номидати нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси бош муҳандис Дмитрий Алексеевич БУКРЕЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чўқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси ҳуқуқшунос Эргаш ХОЛМАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида Бадий экспертиза божқармаси жамоаси божқарма бошлиғи Тўлқин Ҳамидович Арзиева отаси Ҳамид АРЗИЕВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Киноарбоблари бирлашмаси кинематографлари соҳаси фахрийси Зокир Худоберова турмуш ўртоғи АЗИЗА аянинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор қилади. «Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази» жамоаси Синов маркази раҳбари Азизхон Дилшодовна Тошўлатована волидан муқтарамаси Муҳаббат ТОНШЎЛАТОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

ООО "CHIRCHIK HEATING SYSTEMS" ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHS ҚОЗОНЛАРИ ИСИТИШ ҚОЗОНХОНАЛАРИ Табиий газ, суяқ ва қаттиқ ёқилғи билан ишлайди маҳсулот сертифициланган. Т.ф: 8 (371) 416-90-06, 8 (371) 786-50-09, 8 (37071) 9-09-08. E-mail: chts.uz@mail.ru

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



ЮРАКЛАРДА МУХРЛАНГАН АЗИМ ТОШКЕНТ

Қиёс излаб қоним қўшай андозанга, Айтгин, қандай шон қўшайин овозанга, Шейрларимни тумор қилай дарвозанга, Шарқ шухрати ўзинган-ку, шоним Тошкент, Чиройинга ойна бўлсин жоним, Тошкент.

Қадр лойиш қалдирғочлар қоролгайлар, Кўшкни излаб айвонинга боролгайлар, Майсалар ҳам Тошкент деса тош ёрайлар, Максадаги кушлар қайтар, доим Тошкент, Кимлар демас сени бу кун номим Тошкент.

Тилла Шайхнинг масжидида тиз чўкканлар, Ҳазрат Имом мажмуида дил тўкканлар, Каффола Шоший ҳикматларин хўб уққанлар, Бир-бир айтсам осмон бўлар орим Тошкент, Қутлуғ тўйда тўкким келди борим Тошкент.

Қодирийнинг қадримида "Ўтган кунлар", Вах, Чўлпоннинг ёқосидан тутган кунлар, Қонлар ютиб иштиқолини кутган кунлар, Ўлмишинини ўртаб айтар сўзим Тошкент, Сен Ойбекнинг нигоҳида кўзим Тошкент.

Шукур Бурҳон овозининг гулдори, Тошкент аҳли авлодларга хуш тилаги, Наво сўрсанг, Юнус ота — юрт жаранги, Маҳжун айтсам қўлдан тумшак торим Тошкент, Париж, Лондон, Румлар ичра норим Тошкент.

Ҳожа Аҳрор Валийсиди мурод улуғ, Шайх Ҳованда Тоҳурида кушод улуғ, Закии Ота пир кимли, сабот улуғ, Валиларнинг дарё дили, ўзинг Тошкент, Ҳикмат аҳли сўлмас гули, ўзинг Тошкент.

Обод ватан султони ҳам оғоҳ бўлур, Элу юртининг тинчлигига паноҳ бўлур, Азим Тошкент кўрса бунга гувоҳ бўлур, Удуларни улағайтирсан бешик Тошкент, Яхшиликка очилгучи эшик Тошкент.

Икки мингу икки юз йил умр йўли, Асли гулаб пойтахтининг гулур йўли, Ўзбекининг дулардан тумшак қўли, Омон бўлсин, обод бўлсин, шоним Тошкент, Чиройинга ойна бўлсин жоним, Тошкент.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири.

МАҲАЛЛАМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

Вобкент туманидаги "Вобкент" маҳалласига "Спортсевар маҳалла" дея таъриф берилади. Бу бежиз эмас. Маҳалла фуқаролар йиғини олти миллион сўмликдан зиёд спорт жиҳозларига эга. Жамоатчилик асосида 12 та спорт тўрагаги фаолият кўрсатмоқда. Уларда шуғулланувчи ёшлар сони бугун 700 нафардан ошган.

— Маҳалла аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бозор Рамазонов. — Шу боисдан уларнинг бўш вақтларини мазмуни ўтказиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилган.

— Юнон-рум ва миллий кураш бўйича номдор полвонлар, кўплаб халқаро мусобақаларининг чемпиони бўлиб Бозор Рамазонов, Шайхмуродов ва Имомов билан Фарход Исаев шу тўрагаларда катнашиб, катта спортга йўл олишган, — дейди маҳалла фаолларидан бири Дониёр Шукуров. — "Турон" номли жамоамиз миллий кураш

бўйича республика миқёсидаги нуфузли турнирларда 3 та олтин, 12 та кумуш, 8 та бронза медалини қўлга киритган. Таэквондо жамоаси эса тўртта олтин, саккизта кумуш, 13 та бронза медалига эга.

Дониёр аканинг ўзи ҳам чинакам спорт илосманди. "Соғлом оила" спорт мусобақаларининг республика босқичида Шуқуровлар хонадони фахрли иккинчи ўринни эгаллаган. "Футболмиш келажиги", "Маҳалламиз полвонлари" мусобақаларида ҳам "вобкент"ликлар фаол иштирок этишмоқда.

— Кейинги йилларда

маҳалламиз файига файз қўшиляпти, — дейди Б. Рамазонов. — Бу маҳалла аҳолисининг аҳиллиги, бир-бирига меҳр-оқибатлилиги туфайли деб биламан. Яқинда тadbirkorларимиздан бири Манзура Икромова 500 минг сўм маблағ сарфлаб, маҳалла учун дастурхон ёзди. Тушақда ётган бемору ноғиронлар ҳолидан хабар олди. Биз ҳам иккита эҳтиёманд оиланинг турар-жойини таъмирлаб бердик. 42 нафар кишига чорва моли сотиб олиши учун банкдан имтиёзли кредит берилишига кўмаклашдик. Омихта ем сотиш шохобчаси очдик. Кўриб турганингиздек, ободончилик ишлари давом этмоқда.

Чиндан ҳам, маҳалла кўрками кўрк қўшилмоқда. Икки гектар ерга болалар дам олиш боғи барпо этилди. Ноқонуний қурилишлар

ўрнида пайдо бўлган яшил маскан эса кўзни қувонтиради. Бу ерга 1,5 минг тул мевали, 800 тул манзарали дархат кўчатлари ўтказилган, гуллар экилган. Tadbirkorлар замонавий кўрнини шундаги биноларни тиклашмоқда. Ишбилармон Маъмур Наврўзовнинг икки қаватли кўркам савдо ва маиший хизмат мажмуаси шулар жумласидан.

Маҳалладан қайтаётиб, шинамига чойхонада шахмат ўйнаб ўтирган нуруний отахонларга кўзимиз тушди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси бунга жавобан "Кексаларимиз ҳам спортга меҳр



қўйишган, спорт — жон дилимиз", дея қўлимсираб қўйди. Спортсевар маҳаллада бундан бошқача бўлиши мумкинми?!

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-20) шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Мисрда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг финал қисмига қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Эслатиб ўтамиз, Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари "D" гуруҳида Гана, Англия ва Уругвай терма жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб борадилар.

МУҲИМ СИНОВ ОЛДИДАН

Ёш футболчиларимиз навбатдаги ўқув-йиғин машғулотларини Испанияда ўтказишмоқда. Икки ҳафталик ушбу йиғин доирасида маҳаллий жамоалар билан ўртоқлик учрашувлари ташкиллаштириш ҳам режалаштирилган.

Агар йиғинга жалб этилган таркибга назар ташласак, унда сезиларли ўзгаришлар йўқлигига гувоҳ бўламиз. Сўнгги пайтларда Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси химоячиси Исроил Тўхтажўаев аскарят йиғинларини ўтказиб юбораётганиди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йилги жаҳон чемпионати саралаш босқичидаги иштирокини ақунлаган, Тўхтажўаев ёшлар терма жамоасининг йиғинларида катнашиш имкониятига эга бўлди.

Испаниядаги йиғинга жалб қилинган тўлиқ таркиб қуйидагича кўриниш олган:

Дарвозабонлар: Дониёр Усмонов ("Нефтчи"), Санжар Қувватов ("Машъал"), Муҳиддин Худоберов ("Бунёдкор").

Химоячилар: Абдуқаҳор Ҳожиакбаров, Камолиддин Тожибоев ("Бунёдкор"), Дилёрбек Эрматов, Исроил Тўхтажўаев ("Нефтчи"), Сарвар Отабоев, Зоҳид Рауфов ("Қизилқум"), Шерзод Аъзамов ("Насаф"), Алишер Саматов ("Бухоро").

Ярим химоячилар: Фозил Мусоев, Шухрат Муҳаммадиев ("Машъал"), Суннатилла Мамадалиев ("Қизилқум"), Шуқурullo Жумабоев ("Нефтчи"), Достон Абдурахмонов, Зоҳир Примов ("Олмалиқ"), Шерзод Каримов, Ойбек Қиличев ("Пахтакор"), Жасур Ҳасанов ("Бухоро").

Ҳужумчилар: Кенжа Тураев ("Насаф"), Санъат Шихов, Алишер Азизов ("Пахтакор"), Иван Нагаев ("Металлург"), Сардор Мирзаев ("Нефтчи").

Янги рекорд ўрнатилди

Америкалик спортчи Арон Пирсол 100 метр масофага сузишда 51,94 сония натижа қайд этиб, янги жаҳон рекордини ўрнатди.



З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

У мазкур муваффақиятга ўз юртида ўтказилган жаҳон чемпионатида саралаш мусобақасида эришди. Таъкидлаш лозимки, А. Пирсол сузиш бўйича жаҳоннинг энг номдор спортчиларидан ҳисобланади. Пирсол ҳозирчага спортнинг мазкур тури бўйича беш марта Олимпиада ва саккиз марта жаҳон чемпионлигини қўлга киритган. Ушбу масофада аввалги рекорд (52,38 сония) испаниялик Ашвин Фаберага тегишли эди.

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «АСАКА» банки (ОАЖ)

қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ: «ТАРАҚҚИЁТ»

Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 24% ҳисобланади. Қўшимча 6% миқдорида бонус ҳисобланади (жами 30% ҳисобланади).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ: «ЁЗГИ» АҚШ долларларида

Сақланиш муддати — 3 ой. Омонат бўйича йиллик 10% ҳисобланади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

- 1. Тошкент шаҳри филиали (371) 120-83-13
2. «Автотранспорт» филиали (371) 120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали (371) 140-39-36
4. Юнусобод филиали (371) 225-16-46
5. Сергели филиали (371) 258-67-49
6. Тошкент виллояти филиали (371) 120-84-13
7. Андижон виллояти филиали (374) 224-40-96
8. Асака филиали (374) 233-13-69
9. «Фарход» филиали (374) 229-97-53
10. Фарғона виллояти филиали (373) 224-70-83
11. Марғилон филиали (373) 237-12-37
12. Олтиариқ филиали (373) 432-10-11
13. Кўкон филиали (373) 552-61-04
14. Наманган виллояти филиали (369) 226-94-75
15. Навоий виллояти филиали (436) 223-54-32
16. Зарафшон филиали (436) 573-18-78
17. Бухоро виллояти филиали (365) 223-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали (365) 770-11-27
19. Самарқанд виллояти филиали (366) 231-08-86
20. «Афросиёб» филиали (366) 234-17-96
21. Қашқадарё виллояти филиали (375) 221-12-93
22. Сурхондарё виллояти филиали (376) 770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали (361) 223-72-47
24. Хоразм виллояти филиали (362) 226-97-78
25. Сирдарё виллояти филиали (367) 225-44-03
26. Жиззах виллояти филиали (372) 226-43-11



«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Хизматлар лицензияланган.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
• маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
• эгалли ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
• миқдори чекланмаган.

OB-XABO (15 июль)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм виллояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 17-22, кундузи 31-37 даража иссиқ бўлади.
Бухоро ва Навоий виллоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.
Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё виллоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутатилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.
Тошкент виллояти. Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.
Қашқадарё ва Сурхондарё виллоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона виллоятлари. Баъзи ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёриши мумкин. Тунда 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.
Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 18-20, кундузи 33-35 даража иссиқ бўлади.

Гибҳандлик билан шуғулланган Дониёр (исми-шарифи ўзгаририлди) илгари ҳам озоликдан маҳрум этилган, амнистия акти қўлланилганлиги боис муддатидан 8 йил илгари оиласи бағрига қайтган эди. Афтидан, у қилмишидан тегишли ҳуласа чиқармаган, шекилли, яна жиноятга қўл урди.
... 2008 йилнинг кўзи, Дониёр Дангара тумани, Қумилчи қишлоғи атрофидаги дала майдонидан ўтар экан, ёввойи наشا ўсимлиги унинг кўзига ҳазинадек бўлиб кўринди. Ен-атрофга қараб олган, сотиш ва истеъмол қилиш унинг ўсимлигининг барг ва уруғларини йиғишга тушди. Уйига келгандан сўнг барглари ордан кўрипти. Кейин "хали керак бўлади", деган ўйда уруғларни 12 та гулпувакка экди.
Ҳосил тайёр бўлгандан сўнг улар-

ПУШАЙМОН БЎЛДИ, АММО...

милиция мутасаддилари ички ишлар бўлими ходими М. Эгамбердиевга миш-мишларга аниқлик киритиш юзасидан назорат-харид тadbirини ўтказди.

Қилмиш-қидирмиш

зишни топширади. Ходим махсус рақамланган пуллари бериб, гувоҳ Ш. Аҳмедовни гибҳандфурушининг уйига йўлайди.
— Менга зўридан тоғиб беринг, — деди у етиб борган. — Ҳумори тинч қўймапми...
— Пулдан чўзинг, 40 минг сўм бўлади, — деди шубҳага бормаган

Жиноятчи Д. Бахтиёров бу ишдан пушаймонлигини билдириб, енгиллик берилишини илтимос қилиб, ялиниб-ёлворди. Аммо энди кен эди...
Жиноят ишлари бўйича Кўкон шаҳар судида 48 ёшли Дониёр Бахтиёровнинг жинийи иши кўриб чиқилиб, унга қонуний баҳо берилди. Жиноятчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси 2-қисми ва 273-моддаси 5-қисми билан айбдор деб топилди, унга 7 йил муддатга озоликдан маҳрум этиш ҳақоси тайинланди. "Урганган қўнгил — ўртанса қўймас", деб мана шунага айтишса керак-да...

Баҳромжон МАЗОКИРОВ, Кўкон шаҳар ички ишлар бoшқармаси бошлиғи. Баҳодир НОСИРОВ, журналист.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 37593 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Манзилнинг: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Ҳолатова.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Муеаххих — Ш. Машраббоев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бoсмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00 Топширилди — 00.55 12 456789